
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ “ЗАКОВАТ” ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҲАММАННИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ҲОЛИБИ БЎЛГАН ФАРҲОНА ТУМАНИ 36-МАКТАБ ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров “Заковат” интеллектуал ҳамманининг якуний Республика босқичи ҳолиби бўлган Фарҳона тумани 36-мактаб жамоаси аъзоларини қабул қилди. Жамоа устози Муаттар Нажмиддинова, жамоа сардори Дилмуроджон Давлатов, Фаррух Нўмонжонов, Мўмин Ҳроқбоев, Мирзобек Фозилов, Гулшода Раҳматжонова ва Мубина Сирождиддиновалар билан ўтказилган учрашувда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Шерзод Долимов ҳам иштирок этди.

9 октябрь куни бўлиб ўтган умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ҳамманининг якуний Республика босқичида биринчи ўринни эгаллаган вилоятимиз вакиллари бу катта муваффақият билан қутлаган вилоят раҳбари, Республикамиздаги 10 мингдан зиёд мактаблар орасида эришилган ушбу ғалаба, жамоа аъзоларининг билим ва меҳнатлари натижаси, шунингдек, юртимизда таълим учун яратилган шароитлардан тўғри фойдаланаётган мактаб жамоасининг, барча устозларнинг сайъ-ҳаракатлари самараси эканини қайд этди. Бугуннинг қаҳрамонлари бўлган Фарҳона тумани 36-мактаб жамоаси аъзоларининг бу ютуғи, қолган тенгдошлари учун интилиш нуқтаси бўлиши кераклигини таъкидлаган вилоят ҳоқими, уларнинг ҳар бири ҳақида, ҳолибликкача бўлган ибратли йўли тўғрисида матбуотда, телевидениеда алоҳида мақолалар, кўрсатувлар бериш бўйича масъулларга учрашув чоғида кўрсатма берди.

Хайрулло Бозоров мусобақа низомига кўра, ОТМларга имтиҳон синовларисиз қабул қилиниши белгиланган ўқувчиларни талабалик билан ҳам қутлаб, мамлакатимизни жаҳон интеллектуал майдонида юқори даражага чиқариш йўлидаги келгуси ишларида омад тилади.

Учрашув якунида жамоа устози ва аъзоларига вилоят ҳоқимининг совғалари топширилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-10-12 12:54:25